

# Жамол Камол Газалларининг Анъанавийлик Хусусиятлари

Назарова Дилдора Илхомовна<sup>1</sup>

**Аннотация:** Замонавий ўзбек адабиётида ғазал жанрининг такомили Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол номи билан чамбарчас боғлиқ. Унинг “Яна кўнглимда ул ой” арузий тўплами арузий тўплами ва олти жилдлик асарларининг “Аср билан видолашув”, “Ёнаётган дала” деб номланган қисмларидан ўрин олган ғазаллар мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради. Мақолада шоирнинг ғазалларига хос анъанавийлик хусусиятлари тадқиқ этилган. Шу асосда Ж.Камолнинг мусажжаъ, мувашшах, назира ғазаллари таҳлил этилган, лирик образларни яратишдаги ворисийлик жиҳатлари ўрганилган.

**Ключевые слова:** ғазал, “Яна кўнглимда ул ой”, “Ёнаётган дала”, анъана, ғазали мусажжаъ, мувашшах ғазал, назира ғазал, аллитерация, лирик образ.

**Кириш.** Замонавий ўзбек адабиётида ғазал жанри тараққиёти Жамол Камол номи билан чамбарчас боғланган. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоир Эркин Воҳидовдан кейин бу жанрда самарали ижод қилган шоир Жамол Камолдир. Шоир ғазаллари “Яна кўнглимда ул ой” арузий тўплами ва олти жилдлик асарларининг “Аср билан видолашув”, “Ёнаётган дала” деб номланган қисмларидан ўрин олган. Шоир ғазаллари мумтоз адабиёт анъаналарини акс эттириши, бадиияти ва новаторона хусусиятлари билан ажралиб туради.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Жамол Камол ижоди адабиётшунослигимизда қатор ишлар амалга оширилган. Н.Рахимжонов, У.Норматов, И.Ҳаққулов, О.Сафаров, Ш.Ҳасанов, Д.Қувватова сингари олимларнинг мақола, китобларига ёзгилга сўзбоши ва тақризлар шулар жумласига киради. Бинобарин, У.Норматов, И.Ҳаққулов, О.Сафаров тадқиқотларида шоир шеъриятига хос хусусиятлар ўрганилган бўлса, Н.Рахимжонов, Ш.Ҳасанов, Д.Қувватовалар ишларида Жамол Камолнинг достончиликдаги изланишларига муносабат билдирилган, “Куёш чашмаси”, “Варахша”, “Армон” сингари достонлари таҳлил этилган.

Жамол Камол адабиётимиз майдонига ўтган асрнинг 60-йиллари охирида чараклаб кириб келди. Бу пайтда шеъриятда Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи номлари жаранглаб турарди. Жамол Камол шу шоирларга эргашиб, улардан илҳом олиб адабиёт мадонида от сурга бошлади. Шу маънода шоир шеърияти ўзига даврдош, авлоддош бўлган шоирларнинг бирортасини тақрорламайди. Тўғри, унинг аruz ва бармоқда баравар ижод килиш хусусияти Ўзбекистон Қаҳрамони Э.Воҳидовга яқинлаштиради. Бу адабиётшунос И.Ҳаққулов бу ҳақда ёзади: “Эркин Воҳидовнинг арузий шеърлари атрофидаги баҳс-мунозаралар адабиёт аҳлиниң ёдидан кўтарилимаган бўлиши керак. Шўро даврида Эркин Воҳидовгача ҳам аruzда шеърлар ёзилган. Аммо Эркин Воҳидовнинг касида ва ғазаллари улардан моҳиятда ва ифодада бутунлай фарқланади. Шу фарқланиш, яъни арузни янгилаш, очиқроқ айтганда, “замонавийлаштириш” тамоили Жамол Камол ғазаллари ва “Куёш чашмаси” достонида ҳам ёркин кўзга ташланади”[1]. Ҳақиқатан, Жамол Камол арузи ҳам “замонавийлаштириш” тамоили асосланган. Унинг бу йўналишдаги ижодий изланишлари натижасида ғазал, мухаммас ва рубоийлар дунёга келди. Қолаверса, анъана бағрида ҳамиша янгилик яшайди. Бинобарин, достонни аruzда яратиш мумтоз анъана бўлса, Жамол Камол шу анъана асосида янгилик яратади. Жумладан, “Куёш чашмаси” достонининг рамал баҳрида яратилганлиги – анъана, “Шаҳрибону” достонининг эса рубойи вазнида яратилганлиги новаторликдир.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақолада аналитик таҳлил, қиёсий типологик таҳлил, комплекс таҳлил методларидан фойдаланилган.

Ғазал ўзбек мумтоз шеъриятининг етакчи жанрларидан биридир. Замонавий адабиётда ҳам бу жанр ўз мавқенини саклаб қола олди. Э.Воҳидов ғазалнавислиқда ўзига хос мактаб яратган бўлса, Жамол Камол уни муносиб давом эттириди. Шоир ғазалларининг анъанавийлик хусусияти, аввало, унинг шаклида кўринади. Маълумки, ғазал қоғияланишига кўра бир неча турга бўлинади. Бу ҳақда адабиётшунос Д.Қуронов ёзади: “...қоғияланиш тартиби ёки қоғия санъатларининг кўлланилишига кўра ғазали ҳусни матлаъ (а-а, а-а, б-а, в-а), ғазали қитъа (б-а, в-а, г-а), ғазали мусажжаъ (барча пайтларда ички қоғия бор), ғазали зеб қоғия (а-а, а-а, а-а, а-а), ғазали зулқоғиятайн ( а-а, б-б, в-в, г-г); бирор шеър санъати асосига курилгани ёки яратилиш тарзига кўра ғазали- мувашшах, ғазали-чистон, ғазали-назира, ғазали-мушоира ва б.”[2]. Кўринадики, ғазал ўзининг ички кўринишларига эга. Шу жиҳатдан Ж.Камол ғазалларини кузатганимизда, шоир ижодида ғазали мусажжаъ, ғазали мувашшах, ғазали назира сингари кўринишлари мавжудлиги аёнлашади.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Жамол Камол ижодидаги ғазалларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

**1. Ғазали мусажжаъ.** Маълумки, ғазалнинг бу кўриниши Заҳириддин Бобур ижодида бадиий такомил топган. Жамол Камолнинг “Бу юртдан” ғазалида ички қоғия кўлланган байтлар бор:

<sup>1</sup> Бухоро Давлат Тиббиёт Институти

Бошимда бўйла бир савдо,  
Қошимда бўйла бир ғавғо,  
Бу ғамларни ичга  
Ютай дерман, кетолмасман .

Анисим – тош каби болиш,  
Ичимда ўтли бир нолиш  
У болишда бу нолишдан

Узун тунлар ётолмасман[3]. (193)

Юрт мұхаббати билан сугорилган юқоридаги сатрларда “савдо”, “ғавғо”, “болиш”, “нолиш” каби оҳангдош сўзлар шоир ғояларини очувчи сифатида ҳам қатнашган. Яъни истиқлолгача бўлган даврда лирик қаҳрамон собиқ тузумни бошидаги бир савдо, ташвиш, ғавғо эканлигини дард билан ёзади. Шунинг учун ҳам унинг бу дардларини тинглагувчи “аниси” – дўсти тош каби болишдир, ундан ўтли бир нолиш чиқади. Шу боис шоир узун тунлар ухломайди. У “ул маҳбуби жон” истиқлолни интиқлик билан кутади. Зоро, истиқлолни шоир соғиниб кутадигани суюкли ёр тимсолида ифода этади.

Шоирнинг “**Бир гўзал оқшом эди**” деб бошланувчи ғазали ички қофияга асосланган:

Бир гўзал оқшом эди,  
Кўнглим хуш илҳом эди,  
Дилда хуш айём эди,  
Орастা бир оқшом эди.  
Бошим узра соябон эрди  
Фалақдек муҳташам,  
Шода-шода марварид таққан  
Яшил ишком эди [110].

Юқоридаги байтларда поэтик фикр жозибасини таъминлаган “оқшом”, “илҳом”, “айём” сўзлари ички оҳангдошликтин таъминлашдан ташқари лирик қаҳрамон ошиқнинг маҳбубасини кутган лаҳзаларини ифодалашга хизмат қилган. Албатта, ошиқ қалбига гўзал оқшом илҳом солади. Бу илҳом унинг қалбига орзулар солади. Шу боис бу оқшомда у байрам, айём шукухини ҳис этади. Қолаверса, шоир токзорга нисбатан “шода-шода марварид таққан яшил ишком” метафорасини кўллайдики, бу бадиий топилмадир. Яъни шода- шода марварид – узум, унинг “яшил ишком” – ток новдаларига марвариддай ярақлаб, хусн баҳш этади. “Тақиши” – инсонга хос ҳаракат. Яна метафора ичидаги ташхис ҳам яратилган. Узумнинг токда туриши жонлантирилган. Бу тасвир орқали шоир табиатнинг гўзал манзарасини нечоғли теран ҳис этганлигини билиш мумкин.

Боғда гуллар йиғлагай, ҳам булбулим

Жон тиғлагай,  
Ҳам шамоллар увлагай мотамсаро,  
Сен келмасанг [365].

Юқоридаги сатрлар ҳам ички қофия билан зийнатланган. “Йиғлагай”, “тиғлагай”, “увлагай” феъл-қофиялар поэтик мазмунин юзага чиқаришда очқич вазифасини ўтаган. Яъни лирик қаҳрамон – ошиқ севгилиси ташрифига муштоқ. Шу боис ошиқ ташхис воситасида унинг руҳий ҳолатини тасвир этади. Бинобарин, маъшуқа келмаса боғда гуллар йиғлашини, булбулларнинг жон тиғлаши, шамоллар мотамсоро увлashi каби ҳолатларда ташхис мавжуд. “Йиғлаш”, “жон тиғлаш” инсонга, “увлаш” эса ҳайвонга хос. Шу руҳий ҳолатлар гулга, булбулга, шамолга кўчирилган. Қолаверса, бунда таносиб (гул, булбул), сифатлаш (мотамсаро увлаш) каби поэтик тасвир усуллари ҳам кўлланилган.

**2. Ғазал-мувашшаҳ.** Маълумки, мувашشاҳ “кўпинча байт, банд ё мисралар бошидаги ҳарфлар йиғиндисидан бирон исм, сўз, ном ё кўзда тутилган жумлани келтириб чиқариш мумкин бўлган шеърdir. ... У асар марказига улуғланувчи шахс ё нарсанинг ўзини қўяди”[4]. Бинобарин, ғазал-мувашшаҳ ҳам мувашshaҳнинг ички бир кўриниши бўлиб, газал шаклида ёзилади. Дастребки мувашshaҳлар кўпроқ ишқий мавзуларда ёзилган. Замонавий шеъриятда эса дўстга, яқинларга хурмат рамзини ҳам ифодалаб келади. Жамол Камолнинг мувашshaҳ-ғазали мумтоз адабиётдаги анъанани давом эттирган. Ушбу мувашshaҳ шоирнинг рафиқаси, севимли умр йўлдоши Воҳида аяга бағишинан. Бу шеърнинг ўзига хослиги шундаки, унда ғазал жанри табиатидан келиб чиқиб, исмдаги ҳарфлар байтда ўз ифодасини топган. Чунки бармоқ вазнида ёзилган мувашshaҳларда ҳар бир мисра бир ҳар билан бошланади.

Васлига етган күнгилнинг

Ишқи бор, армони йўқ

Васлига этмаса ул,

Дарди бор, дармони йўқ[99]

Дастлабки байт матлаъ бўлиб, унда шоирнинг Воҳида аяга мухаббати оловланиб туради. “Васлига етган күнгил” бунда ошиқдир. Шу боис унинг қалбида ишқ бор, армони йўқ.

Ох уриб васлингга етдим

бир куни, эй сохира,

Орзуга етган кўнгил

шукронасин поёни йўқ.

“Сохира” сехрли дегани, бу маъшуқа тимсолини ифода этади. Лирик қаҳрамон ошиқ орзусига етгани, маъшуқасига эришгани учун шукронга келтирияпти.

Ҳар қачон боксан юзингта,

юзланур ҳайрат менга.

Хусн элининг сен каби,

бир хуршиди тобони йўқ.

Мумтоз шеъриятда ёр гўзаллиги бир қатор ташбеҳлар орқали ифода этилган. Жамол Камол ҳам шу анъанага эргашиб, суюклисини “хусн элининг хуршиди тобони” дея таърифлайди.

Ишқ аро кечган куним

бошимда ҳар дам осмон

Ишқдан айру кунларимнинг

ери бор, осмони йўқ.

Лирик қаҳрамон – ошиқ мухаббат билан ўтган кунларида осмонни кўради. Осмон бунда ёруғлик рамзини билдиради. Ишқиз кунларида эса ерни кўради. Ер бунда қоронгулик тимсолини ифодалаб келади. Бунда антоним сўзлар воситасида лирик қаҳрамоннинг кайфияти ифода этилади.

Дур бўлиб кирдинг садафга,

бергадирмиз бир умр,

Даҳр аро бундок умрнинг

васли бор, хижрони йўқ.

Юқоридаги сатрларда дур маъшуқани, садаф эса ошиқ тимсолини акс эттиради. Бу шоирнинг ўзига хос бадиий топилмасидир. Ишқдан масрур ошиқ бунда фақат висолни ҳис этади.

Айласам арзи мухаббат,

неча минг достон керак.

Ай Жамол, ишқ дафтарин

шарҳ айламоқ имкони йўқ.

Мумтоз шеъриятда ишқ васфига бутун бошли достон ҳам етмаслиги билан боғлиқ фикр анъанавийдир. Жамол Камол шу анъанани ҳам давом эттиран. Юқоридаги мувашшаҳдаги байтларнинг бош ҳарфлари кетма кет кўйилса, “Воҳида” исми келиб чиқади. Воҳида ая шоирнинг умр йўлдоши. Унинг марказига суюкли ёрни васф қилиш, мухаббатни улуғлаш руҳи устуворлик киласи.

**3. Ғазал-назира.** Назира арабча сўз бўлиб, “ўхшаш” деган маънони билдириб, “лирикада эргашиб йўли билан, жавоб ва ўхшатиш тариқасида, адабий мусобака тарзида ёзиладиган лирик шеър жанри”[5]. Форс-тожик адабиётидаги бунга синоним сифатида “татаббуъ” термини ишлатилади. Мумтоз шеъриятда бирор шоирнинг машҳур ғазали вазни, кофияси сақланиб жавоб ёзиш кўп асрлик анъанага айланган. Жамол Камолнинг “Ўландан сўр” ғазали Фузулийнинг шу номдаги машҳур ғазалига ўхшатма тарзида битилган. Демак, шоир ғазалчиликдаги ушбу анъанани ҳам муносиб давом эттира олган.

Ши-фо-ии вас/л(и) кад-рин, ҳажр /и-ла бе-мор /ў-лан-дан сўр,

Зу-ло-ли зав/к(и)-шав-қин таш/-на-йи дий-дор /ў-лан-дан сўр.

Ма-фо-ий-лун/ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ма-фо-ий-лун  
 Ла-бинг сир-рин ге-луб гуф-то-ра бан-дан ўз-га-дан сўр-ма,  
 Бу пин-хон нук-та-ни бир во-қи-фи ас-роп ў-лан-дан сўр.  
 Гўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,  
 Кавокиб сайрини шаб то сахар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чеканлардан,  
 Хабарсиз мастлар бедодини хушёр ўландан сўр.  
 Фамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма ахволим,  
 Бу ахволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.  
 Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,  
 Харобот ахлининг ахволини хуммор ўландан сўр.  
 Муҳаббат лаззатиндан бехабардир зоҳиди ғофил,  
 Фузулий ишқ завқин, завқи-шавқи вор ўландан сўр.

Демак, Фузулийнинг ғазали арузнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. “Бемор-дийдор-асорор-хушёр-ёр-хуммор-вор” сўzlари оҳангдош сўzlар сифатида поэтик мазмунни ифодалашга хизмат килган.

Жамол Камолнинг “Ўландан сўр” назира ғазали ҳам худди шу вазнда яратилган. “Хор-зор-абгор-ночор-инкор-ёр-дор-шунқор-бор” сўzlари ғазалда қофиядош сўzlар бўлиб келган. Шоир Фузулий вазни ва оҳангини тўла саклаган. Назира назариясида яна бир жихат алоҳида таъкидланган: “... мавзу, мазмун ва шаклга ижодий қаралади, бу адабий ҳодисаларнинг барига давр руҳи ва шахсий услуг мухри сингдирилади”[6]. Жамол Камолнинг назира ғазалида юкоридаги жихатлар акс этган. Яъни шоир мавзуга ижодий ёндашган: Фузулийнинг ғазали соф ишқий мавзуда битилган. Жамол Камол эса унга ижтимоий мазмун бериб, истиқлол мавзусини кўтариб чиққан. Унга давр руҳини, истиқлолга интиқлик туйгуларини сингдирган.

Ва-тан-нинг қад/-ри-ни ғур-бат/ э-ли-да  
 Хор /ў-лан-дан сўр,  
 Бу гул-шан сех/-ри-ни бир тер/-му-лиш-га  
 Зор/ ў-лан-дан сўр.  
 Ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун  
 Қарамлик не эмиш дунёда,  
 Мандин ўзгадин сўрма  
 Бу қуллик, бу қабоҳат дардини  
 Абгор ўландан сўр[182].

### Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Кўринадики, Жамол Камолнинг ғазалчиликда мумтоз анъаналарни муносиб давом эттира олган. Бу шоирнинг мусажжаъ ғазал, мувашшаҳ ғазал, назира ғазаллари мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради. Шу билан бирга шоир анъанавийлашган ой, юлдуз сингари лирик образларни яратишда, аллитерация санъатини қўллашда ўзига хос маҳорат кўрсатганди. Юкоридаги таҳлил ва таснифлар асосида айтиш мумкинки, Эркин Воҳидовдан кейин Жамол Камол замонавий ўзбек шеъриятида ғазалчиликда ўзига хос ижодий мактаб яратади.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ҳаккул И. Шеър куйган изҳори. , [www.kh-davron.uz](http://www.kh-davron.uz).
2. Куронов.Д., Мамажонов З. Ва бошқалар. Адабиётшунослик лугати. Тошкент: Академнашр, 2010. Б.386.
3. Жамол Камол. Ёнаётган дала. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. –Б. 110. (Кейиннги мисоллар шу китобдан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади).
4. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. Лирика. –Тошкент: Фан, 1992. –Б.189-190.
5. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. Лирика. –Тошкент: Фан, 1992. –Б.173.
6. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. Лирика. –Тошкент: Фан, 1992. –Б.173.

7. Норматов У...., Ҳаққулов И..., Сафаров О. Улкан шоир ва истеъоддли таржимон. Аср ҳақиқатларининг шеърий тараннуни. Китобда: Бухоро адабий ҳаракатчилигидан лавҳалар. –Бухоро: Дурдана, 2015. –Б. 378 391.
8. Рахимжонов Н. Ўзбек адабиётида поэма. Т., 1986.
9. Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. –Бухоро: Дурдана, 2015. –Б.380.
10. 8.Қувватова Д. Лирик кечинманинг эстетик табиати //Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. - № 4. –Б. 65-7.
11. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмаси. –Т.: Турон замин зиё, 2014. – 176 6.
12. Ҳасанов Ш. Истеъоддинг рангин жилолари. Шарқ юлдузи, 2009. - № 4. –Б 109-114.
13. Nazarova, D. (2019). THE INTERPRETATION OF EDUCATIONAL IDEAS IN THE POEMS OF JAMAL KAMAL. *Theoretical & Applied Science*, (11), 136-138.
14. Nazarova D.I. The foundation of Kamol Jamol's poems is pain// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.- 2020.- №6.– P. 1 – 3
15. Nazarova D.I. Feelings of lyric heroes in Kamol Jamol's work// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.– 2020.- №6.– P. 1 - 3.
16. Quvvatova, D., & Nazarova, D. I. (2020). The rubai genre in the works of Jamal Kamal. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, (9), 346-352.
17. Dildora, N. (2021). Genre Features o.\
18. Nazarova, D. (2019). Literary Motives of Sufizm and Spiritual, Moral Ideas in the Lyrics of Jamal Kamal. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8. Issue, 3(October 2019), 223.
19. Nazarova, D. (2019). POETRY OF JAMAL KAMOL. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 186-189.
20. Назарова, Д., & Зойирова, Д. А. (2022). ЖАМОЛ КАМОЛ ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИЙ ҚУРИЛИШИ. *Scientific progress*, 3(1), 934-944.
21. Nazarova, D. I. (2020). Jamol Kamolning Asru radifli g'azaliga yozgan muxammasi. *Ilim ham ja'miyet. Ilmiy-uslubiy jurnal*, (1), 93.
22. Nazarova D.I. Feelings of lyric heroes in Kamol Jamol's work// Conference of Management of Islamic Education Leadership In The Era of Revolution.– 2020.- №6.– Pp. 1 - 3.